
Туман ҳокими таълим муассасаларини ўрганмоқда

Тошлоқ тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари таълим муассасаларида бўлиб, куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни ва карантин тартибларига амал қилган ҳолда ўқув жараёнларининг олиб борилаётганлиги билан танишмоқда. Бугун туман ҳокими 5- ва 39-мактабларда бўлиб, таълим муассасаларининг раҳбарлари билан мазкур масалаларда суҳбатлашди. Ташриф давомида 5-мактабда санитария талабларига кўра янги ҳожатхона қурилиши режалаштирилган бўлса, 39-мактабда капитал таъмирлаш ишларини олиб боровчи пудратчи ташкилот раҳбарлари билан амалга ошириладиган ишлар ҳақида суҳбатлашилди.

2020-10-06 17:45:43